

ТОЖИБОЕВА Дилором,.Тошкент молия институти «Касбий таълим»
кафедраси, иқтисод фанлари номзоди,
профессор

ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ЁНДАШУВЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ ВА ФАРҚЛАРИ (1-МАҚОЛА)

УДК 330.101

ТОЖИБОЕВА Д. ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ЁНДАШУВЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ ВА ФАРҚЛАРИ (1-МАҚОЛА)

Мақола иқтисодий самарадорликнинг классик, неоклассик ва неоинституционал ёндашувлар концептуал асосларининг умумий жиҳатлари ва фарқларини кўрсатишга қаратилган ва унда нима сабабдан неоинституционал назарияга мулкка иқтисодий ва ҳуқуқий категориянинг бир бутунлиги нуқтаи назаридан қараш зарурлигининг мазмун-моҳияти очиқ берилган.

Таянч иборалар: самарадорлик, рақобат, мулкчилик, мулк «ҳуқуқи дастаси», мулкчилик ҳуқуқи назарияси.

ТАДЖИБАЕВА Д. КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ И РАЗЛИЧИЯ ПОДХОДОВ НА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ (1-Я СТАТЬЯ)

В статье показаны общие концептуальные основы и различия экономической эффективности классической, неоклассической и неoinституциональных направлений экономической теории и раскрыта необходимость рассмотрение категории собственности как единой целостной экономической и правовой.

Ключевые слова: эффективность, конкуренция, собственность, «пучок правы» собственности, теория права собственности.

TOJIBAЕVA D. CONCEPTUAL BASICS AND DIFFERENSIS TO ECONOMIC EFFICIENCY APPROACHES (1-ST ARTICLE)

There is discussed in the article the general conceptual foundations and differences in the economic efficiency of classical, neoclassical and neoinstitutional directions of economic theory and discloses the need to consider the category of property as a single holistic economic and legal one.

Keywords: efficiency, competition, property, «bundle of right» property, the theory of property rights.

КИРИШ

Иқтисодий самарадорлик категорияси мазмун-моҳиятини чуқур англаш учун унинг концептуал¹ асосларига диққат қаратишимиз зарур. Бу масалада классик, неоклассик ва неоинституционал ёндашувлар умумий жиҳатлари бўлиши билан бирга бир-биридан фарқ қилади. Иқтисодий самарадорликнинг концептуал асослари классик, неоклассик, неоинституционал назарияда танланган мезонлар бўйича асосий фарқларини қуйидаги (1-концептуал жадвал) маълумотлар асосида кўришимиз мумкин.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Республикамиз иқтисодчилари самарадорликни иқтисодий фанда нисбатан энг кўп ўрганилган, уни ҳисоблаш усули, кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилган, ечимини топган муаммолардан ҳисоблашади. Шунга қарамай бу ҳақда мунозаралар давом этмоқда. Сабаби, бош муаммо инсонлар олдига янгидан-янги муаммоларни қўяди, вужудга келтиради, айримлари эса глобал миқёсга кўтарилади ва унинг ечимини топиш учун инсон тинмай изланаверади. Турли-туман инновацион ғояларнинг вужудга келиши, амалга оширилишига йўналтирилган барча ҳаракатлар ҳам айнан самарадорликни оширишга қаратилган.

Муаммонинг қўйилиши. Ресурслардан самарали фойдаланиш, энг аввало, мулкчилик муносабатлари, мулк ҳуқуқининг тақсимланишига боғлиқ бўлиши, инсонлар айнан улар асосида танлов ва қарор қабул қилишларига қарамай, бу борада республикамизда тадқиқотнинг етарли даражада эмаслиги.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодий самарадорликнинг классик, неоклассик ва неоинституционал ёндашувлар концептуал асосларининг умумий жиҳатлари ва фарқларини кўрсатиш, неоинституционал назариянинг мулкка иқтисодий ва ҳуқуқий категориянинг бир бутунлиги сифатида қараш заруриятини асослаш орқали жамиятда яратилган маҳсулот тақсимоли мулк ҳуқуқининг тақсимланишига кўра юз бериши ва бу борада қабул қилинган қонунлар асос-базис бўлиши, жамиятдаги мувозанатни таъминлашда асосий роль ўйнаши, хўжалик юритувчи субъектлар

уларга кўра қарор қабул қилишини асослаб беришдан иборат.

Тадқиқот методлари. Герменевтика (талқин қилиш), қиёсий таҳлил, мантиқий, гуруҳлаш, концептуал жадвал ва бошқа методлардан фойдаланилди.

Асосий натижалар. Маълумки, самарадорликни таъминлашда рақобат муҳим ўрин тутуди. Рақобат ва унинг сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилишининг негизи ҳам мулкчилик ва унинг турли-туманлигидир.

Рақобат кишилик жамиятининг барча жабҳаларига хос. Рақобат қайси жабҳада олиб борилишидан қатъи назар, унинг марказида ўз манфаатлари билан инсон туради.

Маълумки, тирик табиатда яшаш учун кураш узлуксиз давом этади. Ҳар қандай тизим: биологик, физик, кимёвий, иқтисодий ҳаммаси мутаносибликка интилади. Рақобат ана шу мутаносибликнинг оптимал даражада бўлишини таъминлайди.

Рақобат ресурслар чекланганлиги билан инсонларнинг мақсадлари, манфаатлари ўртасидаги сабаб-оқибатли боғланишни ифодалайди. Бу қонунни иқтисодий-психологик қонун дейиш мумкин. У барча иқтисодий қонунлар каби объектив характерга эга. Сабаби, иқтисодий муҳитнинг ўзи уни амал қилишини тақозо қилади. Чунки биринчидан, **инсонга табиатан ўз-ўзини сақлаш инстинкти берилган, уни ҳеч ким, ҳеч қандай чекловлар йўққа чиқара олмайди**². Ресурслар чекланган, демак унга эга бўлиш учун кураш боради.

Иккинчидан, ўзлаштириш мулк доирасида амалга ошади. Истеъмол ўзгариши учун мулк қайта тақсимланиши керак. Ресурсларнинг чекланганлиги танлов муаммосини қўяди. Танлаш эса кишиларнинг иқтисодий фикрлаш тарзидан келиб чиқади. Одамлар муқобил вариантлар орасидан энг юқори наф келтирадиган ёки энг кам харажат талаб қиладиган вариантларни танлашади.

Ресурслар мулк бўлиб, чекланган экан, ундан самарали фойдаланиш объектив заруриятга айланади. Зарурият мавжуд экан, инсон доимо уни амалга ошириш учун ҳаракат қилади, тинмай изланади, доимо ўз манфаатини ҳимоя қилади.³

¹ Концепция (лот. – conceptio – тушуниш, тизим) – тушунтиришнинг маълум бир усули, бирон-бир ҳодиса, воқеани тадқиқ қилиш, шарҳлаш, тушунтириб беришдаги нуқтаи назар, уни ёритишдаги бош ғоя, етакчи фикр, турли фаолиятнинг конструктив тамойиллари.

² Tojiboyeva D. Iqtisodiyot nazariyasi. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2005. -357-b.

³ Уша жойда.

Классик назарияда рақобат бозорни бошқариш, меҳнат тақсимоли, меҳнат кооперациясининг вужудга келиши, ривожланиши ва бу ўз навбатида самарадорликни оширишда асосий роль ўйнашига диққат қаратилса, **неоклассик назарияда** ресурсларнинг оптимал уйғунлашуви орқали самарали фойдаланиш ва уни тадқиқ этиш учун иқтисодий кўрсаткичлар, моделлар ишлаб чиқиш, уларни таҳлил қилишга диққат қаратилади.

Рақобат иқтисодий ресурсларни тежамли ишлатиш товар ва хизматларни сифатли ишлаб чиқаришга ундайди. У хўжалик юритишнинг энг самарали усулларини юзага келтиради, иқтисодий алоқаларнинг энг маъқулини топишга ундайди. Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни тезлаштиради. У фақат ишлаб чиқаришнинг ўзинигина ўсишга ундаб қолмай, иқтисодий муносабатларни ҳам такомиллаштиришга олиб келади. Рақобат иқтисодий ўсишни таъминлайди. У ўз навбатида рақобат доирасини кенгайтиради.

Бозор ва рақобат бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Рақобат бўлмаса бозор, бозор бўлмаса рақобат йўқ. Ана шу жиҳатдан қарасак, **рақобат бозор** иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, тартибга солувчи, назорат қилувчи куч ҳисобланади. Рақобат кураши меҳнат унумини оширишга, иш сифатини яхшилашга, янги техника, технологияни жорий қилишга, иқтисодий ресурсларни кам сарфлаган ҳолда уларни самарали ишлатишга ундайди. Таниқли иқтисодчи Людвиг фон Мизес айтганидек, иқтисодий рақобат ишлаб чиқаришни энг рационал усуллар билан самарали амалга оширилишига олиб келади¹.

Бозор иқтисодиётида бир томондан, манфаатлар тўқнашиб рақобат юз берса, иккинчи томондан, субъектлар ўз фаолиятини, демак, манфаатларини бир-бирларига мувофиқлаштиришга интиладилар. Чунки фақат рақобатлашсалар уларнинг иши юришмайди. Бу иқтисодиётда икки бир-бирига зид томон. Иқтисодий интеграция ҳам иқтисодий субъектларнинг манфаатларини мослаштириш, мурасага келишга ундайди. Ишлаб чиқаришдаги ўзаро боғлиқлик кучайиши билан интеграциялашмай яхши фойда олиш қийин бўлиб қолади. Ишлаб чиқариш ихтисослашувининг

кучайиши фирма, корхоналарнинг бир-бирига боғлиқлигини кучайтиради. Натижада улар ўртасида доимий равишда тижорат алоқалари ўрнатиладики, бунда шерикларига панд бермаслик муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, рақобат курашида турли фирром усуллар, ҳатто жиноий йўллардан фойдаланишни ресурслар чекланганлиги ва манфаатлар, инсон психологиясидан келиб чиқиши билан тушунтириш мумкин.

Бозор иқтисодиёти мулкчиликка ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан бир бутун ҳолда ёндашишни талаб қилади. Бундай ёндашиш иқтисодиёт назариясида айнан **неоинституционал** йўналиш вакиллари томонидан амалга оширилган. Улар орасида энг машҳурларидан бири «мулкчилик ҳуқуқи» назарияси ҳисобланади. Бу назариянинг вужудга келишига таниқли америкалик икки иқтисодчи - Чикаго университетининг фахрий профессори, Нобель мукофоти лауреати Рональд Коуз ва Лос-Анжелес университети профессори Армен Алчиан асос солди². Кейинчалик бу назария бўйича тадқиқот ўтказиш ва ундан фойдаланишда Й.Барцель, Г.Демсец, Д.Норт, Р.Познер ва бошқалар фаол қатнашдилар.

Улар мулкчилик ва ундан фойдаланишни талқин қилишга ўзига хос равишда ёндашиб, иқтисодий таҳлилнинг методологик ва умумназарий асослари сифатида қарашлари қуйидагилардан таркиб топган: биринчидан, улар биз ўрганиб қолганимиз мулк, мулкчилик тушунчаси ўрнига «Мулк, мулкчилик ҳуқуқи» атамасини ишлатадилар. Уларнинг фикрича, ресурс ўз-ўзидан мулк бўлиб қолмайди, балки шу ресурсларни ишлатиш жараёнида «мулк ҳуқуқининг тўлиқ дастаси» ёки унинг маълум бир улуши асосида юзага чиқади. Ана шу мулк ҳуқуқигина уни мулкка айлантиради³.

Мулк ҳуқуқи бу назария тадқиқотчилари томонидан ноёб ресурсларни олиш имконига эга бўлишни жамият томонидан тартибга солиш учун рухсат розилик берилган кўрсатмалар, йўл-йўриқлар, буйруқ, фармойиш сифатида кўрилади.

Улар давлат томонидан ўрнатилган қонун, тартиб, норма ва қоидаларгина эмас, бошқа ижти-

¹ Мизес Л. Бюрократия. Запланированный хаос. Антикапиталистическая ментальность. – М., 1993. –С. 100-113.

² Alchian A., Demsetz H. Production, information Costs, and Economic Organization. American Economic Review, December 1972.

³ Demsetz H. Toward a theory of property rights. // «American economic Review», 1967, v. 57, № 2.

мой механизмлар – одатлар, ахлоқий талаблар, диний қатъий қоидалар бўлиши мумкин.

Мулк ҳуқуқининг элементар таснифи у ёки бу объектнинг ёлғиз эга бўлган субъектларини аниқлашга қаратилади. Бу жиҳатдан мулкни хусусий, давлат, коммунал, умумий мулкка ажратиш умумқабул қилинган¹ қоида саналади.

Қачон бойликдан фойдаланишга хос барча ҳуқуқлар индивидларга тегишли бўлса, хусусий мулк бўлади. Қатор адабиётларда ҳозирги шароитда хусусий мулк индивидиал (шахсий) ва корпоратив хусусий мулк тарзида кўрилади.

Неоинституционал назарияга қадар кўпроқ мулк ҳуқуқи бўлинмайдиган монолит тарзида кўрилган. Бу ёндашувда эса ресурсга бўлган мулк ҳуқуқини бўлиштириш мумкин ва ҳар қандай айирбошлаш мулк ҳуқуқи дастасидаги ҳуқуқларни айирбошлашдир, деб қаралади. Бунини Т.Эггертсон А.Алчианнинг ерга бўлган мулкчилик мисолида уни қуйидагича тушунтиради. «Мен бунини қуйидаги ҳолат билан тушунтирган бўлар эдим. Бир неча киши бир вақтнинг ўзида шу ердан фойдаланиш учун маълум бир ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. А унда буғдой етиштириш ҳуқуқига, В уни пиёда кесиб ўтиш ҳуқуқига, С чеккан сигаретининг кулини ташлаш ҳуқуқига, D уни устидан учиб ўтиш ҳуқуқига, E шу яқин атрофда асбоб-ускуналарини ишлатиш туфайли уни титратиш (вибрация) ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Булар эса кўчиб турадиган ҳуқуқлар. Натижада хусусий мулк ҳуқуқи ундан алоҳида фойдаланиш усулларига кўра турли шахсларга «тегишли» бўлади»².

Мулк эгасининг қисман ҳуқуқларининг кенгайтирилган варианты ҳозирги кунда кенг тарқалган 11 ҳуқуқ дастасидан иборат рўйхатини 1961 йил инглиз ҳуқуқшуноси Артур Оноре бўлакларга бўлинмайдиган, ўзаро кесишмайдиган мулк ҳуқуқининг тўлиқ дастасини таклиф этган. У (Оноре рўйхати бўйича) 11 элементдан ташкил топган (1-жадвал)³.

Мулк ҳуқуқини таснифлаш (рўйхатини ишлаб чиқиш, мулк ҳуқуқи дастасини ифодалаган Оноре рўйхати) неъмат (бойлик) камёб бўлганда, мулк объекти чегараларини аниқ белгилаш талаб

қилинганда, шу неъматдан бошқаларнинг фойдаланишига йўл қўймаслик керак бўлганда зарур бўлади.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: мулк ҳуқуқини аниқ белгилаш, уни ҳимоя қилиш катта миқдордаги харажатларни талаб қилади:

1. Мулк ҳуқуқи қанчалик ноаниқ белгиланган бўлса, шунча кўп трансакцион харажатлар талаб қилинади.

2. Мулк ҳуқуқининг ҳимоя қилинмаслиги ташқи эффектлар муаммосини келтириб чиқаради (масалан, экологик).

3. Ресурсда ҳуқуқ дастаси элементларидан қанча кўп бўлса, унинг кадр-қиммати шунча юқори бўлади ва юқори баҳоланади.

Уларнинг орасида эгаллик қилиш, яъни ресурслардан бошқаларнинг фойдаланишига тўсқинлик қилиш ҳуқуқи, ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, мулкдан даромад олиш ҳуқуқи, барча санаб ўтилган ҳуқуқларни бошқага бериш ҳуқуқини иқтисодчилар мулк ҳуқуқи дастасининг асосий элементи деб ҳисоблашади.

Агар мулк ҳуқуқини саналган ҳуқуқларнинг турли тарзда қўшилиши нуқтаи назаридан қарасак, ана шу мулк ҳуқуқи дастаси ниҳоятда кўп комбинациялар миқдорини беради. Бу ҳақда А.Н.Нестеренко шундай дейди: бирон-бир шахснинг неъматлардан фойдаланиш усулларига бўлган ҳуқуқлари йиғиндиси мулк категориясини ҳосил қилади. Бу ҳуқуқлар мулк эгасининг маълум бир аниқ белгиланган ва ижтимоий жиҳатдан тан олинган наф кўриш билан боғлиқ масалаларни ечиш имконини беради. Шунинг учун улар қисман қонуний ҳуқуққа (ваколатга) эгаллик, мулкчилик эса ҳуқуқлар йиғиндиси ёки «дастаси» деб аталади⁴.

Илмий адабиётларда мулк ҳуқуқи назарияси бўйича мулк ҳуқуқини реализация қилиш жараёнида келиб чиқадиган одамларнинг ўзаро муносабатларининг барча қирраларини қамраб олган қисман ҳуқуқларнинг ҳар хил комбинациялари таклиф қилинади. Масалан, Т. Эггертсон қуйидаги ҳуқуқларни ажратиб кўрсатади:

- активлардан фойдаланиш ҳуқуқи (фойдаланувчи ҳуқуқи). У инсон томонидан неъматлардан фойдаланишнинг: уни ўзгартиришдан тортиб, ҳатто йўқ қилиб юборишгача бўлган ҳуқуқларнинг потенциал вариантларини аниқлаб беради;

¹ Нестеренко А.М. Экономика и институциональная теория. С 331-335; Эггертсон Т. Экономические поведения и институты. – М., «Дело», 2001. –С. 47-52.

² Эггертсон Т. Экономические поведения и институты. – М.: «Дело», 2001. –С. 54.

³ Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Т.: «Iqtisod-Moliya», 2005. –80-б.

⁴ Нестеренко А. М. Экономика и институциональная теория. –С. 337.

1-жадвал. Мулк ҳуқуқлари.

Мулк ҳуқуқи	Мазмуни
1. Эғалик қилиш	Бойлик-неъмат устидан назорат қилиш
2. Фойдаланиш ҳуқуқи	Неъматларнинг хоссаларидан фойдаланиш ҳуқуқи
3. Бошқариш ҳуқуқи	Неъматлардан ким, қандай фойдаланишини белгилаш, масаласини ҳал этиш, ечиш, қарор қабул қилиш ҳуқуқи
4. Даромад олиш ҳуқуқи	Неъматлардан фойдаланишдан келган натижаларга эга бўлиш ҳуқуқи
5. Тасарруф қилиш (суверенлик ҳуқуқи)	Неъматларни бегоналаштириш, бошқача айтганда, сотиб юбориш, истеъмол қилиш, ўзгартириш ёки йўқ қилиб юбориш, ҳуқуқларни бошқага бериш ҳуқуқи
6. Хавфсизлик ҳуқуқи	Бойлик-неъматни экспроприация (тортиб олиш) қилишдан, ташқи муҳитдан етказиладиган зиёнлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқи
7. Мерос қолдириш ҳуқуқи	Бойлик-неъматни меросхўрлар ёки васиятга кўра қолдириш ҳуқуқи
8. Муддатсизлик ҳуқуқи	Неъматларнинг соҳиби бўлишнинг бемуддатлиги
9. Зарарли фойдаланишни тақиқлаш ҳуқуқи	Неъматлардан бошқа шахсларнинг мулки, шахсий ҳуқуқига зиён етказмай, ташқи муҳитга зарар келтирмайдиган фойдаланиш усуларини қўллаш мажбурияти
10. Қарзини тўлаш жавобгарлиги ҳуқуқи	Неъматлардан қарзини тўлаш учун фойдаланиш имкониятларига эга бўлиш
11. Бузилган ҳуқуқни тиклаш ҳуқуқи	Кимгадир вақтинча берилган ҳуқуқни муддати тугагач «табиий қайтариш», бузилган ҳуқуқни тиклаш тартиби, механизмлари ва институтларнинг мавжуд бўлишини таъминлаш

• неъматдан фойдаланишдан даромад олиш ва бошқа индивидлар билан даромад олиш шартлари бўйича битимлар тузиш ҳуқуқи;

• мулк ҳуқуқини бошқаларга бериш, яъни мулкни бегоналаштириш, сотиш ҳуқуқи¹.

Бозорнинг самарали ишлаши учун **мулк ҳуқуқининг аниқ белгиланиши зарурий шарт-шароит бўлиб, у қанчалик тушунарли бўлса ва ҳимоя қилинса, қўрқмай иқтисодий жиҳатдан энг самарали ечимларни қабул қилишга йўналтирилади.** Ҳимоя қилинган мулк ҳуқуқи ноаниқлик ва рискни пасайтиради, ресурслардан самарали фойдаланиш учун қулай шароит яратди, иқтисодиётнинг бошқа агентлари томонидан нималарни кутиш мумкинлиги ва нималарга ҳаракат қилиши зарурлигини шакллантиради. Бу эса бозор механизмни бир бутун ҳолда самарали ишлашининг зарур шarti ҳисобланади.

Мулк ҳуқуқига ички мулкый ҳуқуқ дастасини тизимга солинган йиғиндиси сифатида ёндашиш бу муносабатларни мураккаб, қарама-қарши, узлуксиз равишда табақаланиш, тақсимлаш жараёни сифатида қараш имконини беради. Бундай жараён давлат томонидан мажбурий чоратадбирлар, чеклашлар оқибатигина эмас, балки субъектларнинг бир-бирлари билан ихтиёрий

¹ Эггертсон Т. Экономические поведения и институты. – М.: «Дело», 2001. – С. 48-49.

равишда ўзаро манфаатли битимлари натижаси ҳамдир. Ҳар қандай айирбошлаш ўз моҳиятига кўра ҳуқуқ дастасини айирбошлашдир»².

Ўзлаштириш учун доимо жамият томонидан белгиланган қоида тусини олган тартиблар бўлган. Бу муносабатлар жамиятнинг ҳар бир аъзосини уларга бўйсунтириш, ўзини тутиш, белгиланган қоидаларга риоя қилиш, агарда риоя қилмай бузса, мувофиқ равишда харажатларни зиммасига олишини билдиради. Бошқача айтганда, мулкчилик ҳуқуқи жамият томонидан қабул қилинган маълум бир «ўйин қоидалари»дан бошқа нарса эмас³.

Мулкчилик ҳуқуқи – маълум бир ресурсларни ишлатиш ва бу жараёнда сарфланадиган харажатлар ва олинадиган фойдани тақсимлашни назорат қилиш ҳуқуқидир. Айнан мулкчилик ҳуқуқи ёки кишиларнинг фикрига кўра мувофиқ равишдаги ўйин қоидалари жамиятда қандай қилиб таклиф ва талаб шаклланишини белгилаб беради⁴.

² Demsetz H. Toward a theory of property rights. // «American economic Review», 1967, v. 57, № 2.

³ Курс экономической теории. / Под общей редакцией д.э.н., проф. Чепурина М.Н., проф. Киселевой Е.А. – Киров: «Аса», 2010. – С. 75.

⁴ Хейне П. Экономический образ мышления. / Пер. с англ. – М., 1991. – С. 325.

Мулкчилик ҳуқуқи назариясининг иккинчи ажралиб турадиган жиҳати шундаки, мулкчилик нисбий ноёблик ёки ресурсларнинг чекланганлик муаммоси билан боғланади, яъни чекланганликдан келиб чиқиши асосланади.

«Ресурслар чекланган, камёб бўлмаса, мулк ҳақида гапириш маъносиз»¹. Шунинг учун ҳам мулк муносабатларини моддий ва номоддий ресурслардан ўз хоҳиши билан бемалол фойдаланишга йўл қўймаслик, тақиқлаш тизими сифатида кўриш мумкин. Албатта бундай ёндашув ушбу муаллифлар очган янгилик эмас. Бу фикрни биринчи марта таниқли австриялик иқтисодчи К.Менгер томонидан 1871 йилда нашр қилинган «Сиёсий иқтисод асоси» китобида билдирилган. Мулк ўзининг пировард асоси билан эҳтиёжларга нисбатан кам бўлган неъматларга нисбатан мавжуд. Шунинг учун мулкчилик институти чеки йўқ зарурлик, яъни эҳтиёж билан мумкин бўлган имконият, бошқача айтганда неъматлар миқдори тасарруфи ўртасидаги муаммони ечадиган ягона институт дейиш мумкин².

Агар ресурслардан фойдаланишга ҳеч қандай тўсиқ бўлмаса, у ҳеч кимга тегишли эмас ёки ҳаммага тегишли бўлади.

Ишлаб чиқариш омилларига ҳуқуқий эгалик қилмасдан, ҳеч ким ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошира олмайди. Ишлаб чиқариш ресурслари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдалана олмайди. Шунинг учун ҳам мулкчиликнинг ҳуқуқий нормалари иқтисодий муносабатларнинг аниқлаштирилган, реал кўриниши ҳисобланади. Мулк ҳуқуқи ўзлаштириш жараёнида белгиланган тартиб-қоидаларига ҳар бир кишининг амал қилиши зарурлиги, аксинча, амал қилмаса, уни бузганлик учун жазоланишини ифодалайди. Улар биринчидан, ишлаб чиқариш омиллари ва яратилган маҳсулот муайян (жисмоний, юридик) шахсларга тегишли эканлигини, иккинчидан мулк эгаларининг қонун билан қўриқланадиган, ҳимоя қилинадиган ваколатларини, учинчидан, мол-мулкни ҳимоя қилиш усулларини белгилаб беради.

Мулкчилик ҳуқуқи назарияси муаллифларининг фикрича, бошқаларни ресурслардан эркин

фойдаланиш имкониятини чеклаш уларга бўлган мулк ҳуқуқини махсулаштириш уни бир ёки бир неча субъектларга беркитилишини ифодалайди.

Мулк ҳуқуқини махсулаштиришнинг мазмуни ва мақсади шундаки, мулкни қадрлайдиганлар, ундан максимал даражада фойдаланиб фойда кўра оладиганлар томонидан сотиб олишга имкон яратишдир. «Агар маълум бир фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини сотиб олиш ва сотиш мумкин бўлса, - дейди Р.Коуз, - охир-оқибат уни қадрлайдиган сотиб олади. Бу жараёнда ҳуқуқ сотиб олиниши, бўлиниши, уйғунлаштирилиши шундай амалга ошириладики, оқибатда юритиш мумкин бўлган фаолият натижасида у бозорда энг юқори даражада қадрланади, энг кўп даромад олиб келади»³.

Шундай қилиб, мулк ҳуқуқининг аниқ белгиланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг саъй-ҳаракати, танловини шундай ўзгартирадики, уларни энг самарали қарор қабул қилишга ундайдик, натижада у энг тўғри қарор қабул қилишга йўл қидиради. Сабаби, мулк эгаси фаолиятининг ижобий натижаси ҳам, салбий оқибати ҳам унинг ўзининг зиммасига тушади.

«Мулк ҳуқуқи дастаси»да кўрсатилган ҳуқуқларнинг тақсимланишига кўра мулк турли тип ва шаклларга бўлинади ҳамда мувофиқ равишда «мулкчилик психологияси» шаклланади⁴.

Мулк ҳуқуқи назариясига кўра уларнинг ҳеч қайси бири бирон-бир мутлақ афзалликка эга эмас. Уларнинг нисбатан устунлиги трансакцион харажатлар ва нафлиликни таққослаш билан аниқланади ва у ёки бу мулк шакли танланади. Шу билан бирга иқтисодий, ижтимоий, технологик тараққиётнинг характери ва даражасига боғлиқ равишда улар ўртасидаги нисбат доимо ўзгариб туради. Масалан, кучли обшина-жамоа аънаналари хос бўлган мамлакатда кам ўзгарувчи технологиялари билан кичик ишлаб чиқариш устувор бўлади. Ахборот муҳитининг барқарорлиги, кучли ижтимоий санкцияларнинг

¹ Toumanoff P.G. Theory of market failure. - «Kuklos», 1984, v.37, № 4.

² Менгер К. Основы политической экономии. Австрийская школа в политической экономии. - М., 1992. -С. 70.

³ Коуз Р. Фирма, рынок и право. - М., 1993. -С. 14.

⁴ Бу ҳақда муаллиф «Кўп укладлилик шароитида аграр соҳа самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий асослари» монографиясида батафсил тўхтаган. Қаранг: 27-37-б.

2-жадвал. Яратилган ялпи ички маҳсулотнинг мулкчилик шаклларига кўра тақсимланиши (%)¹.

	1990 й.	1995 й.	2000 й.	2010 й.	2015 й.	2017 й.
Ялпи ички маҳсулот	100	100	100	100	100	100
Нодавлат мулк		58,4	72,6	79,3	83,2	81,0
Давлат мулки		41,6	27,4	20,7	16,8	19,0

мавжудлиги, «принципал - агент»² муаммосининг долзарб эмаслиги сабабли трансакцион харажатлар нисбатан пастлиги туфайли жамоа мулки афзалликка эга бўлади.

Шу билан бирга неоинституционализм вакиллари мавжуд реал амал қилувчи ҳуқуқлар тўлиқ аниқланган ва мутлақ ҳимоя қилинган деб бўлмайди, дейишади. Неоклассик назарияда хусусий мулкчиликка идеал шароит яратувчи сифатида қаралган бўлса, неоинституционал назарияда турли мулк типларида ҳуқуқий тартибларни солиштириш асосида таҳлил қилиш ана шундай хулосага олиб келди. Биз ҳам бу фикрга қўшилаемиз.

Иқтисодиёт, ижтимоий (таълим, соғлиқни сақлаш кабилар) соҳа, технологияда динамик ўзгаришлар рўй бераётган шароитда хусусий мулк институтининг афзаллиги намоён бўлади. Бунда қарор қабул қилишни тезлаштириш, инновацион ҳаракат, танловларни рағбатлантириш, хўжалик юритувчи субъектларни ресурслардан рационал фойдаланишга қизиқтириш, улардан самарасиз фойдаланувчилардан тежаб-тергаб ишлатадиганлар қўлига ўтишни таъминлашни хусусий мулк устуворлиги шароитида ҳал этиш мумкин. Хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари уни ҳимоя қилиш билан боғлиқ харажатларни ижтимоий-иқтисодий ва технологиянинг ривожланиш суръати тезлашиши туфайли жамият оладиган наф туфайли ортиғи билан қопланади.

Инглиз иқтисодчиси Фридрих Фон Хайекнинг фикрича, энг юксак шу билан бирга, ҳеч қандай эътироз билдирилмайдиган қадрият - инсонни бошқа одамларга тобе бўлишидан ҳоли қиладиган,

¹ Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. - Т.: «Ўзбекистон», 2011. - 63-б; Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. - Т., 2015 ва 2018 йиллар.

² Принципат - лот. *princeps, princeps* – биринчи, бош. Қадимги Римда кулдорчилик монархияси шакли бўлиб, республикага тегишли муассасалар сақланган, лекин ҳокимият амалда ягона одам – принципегга тегишли бўлган. Принципал - назорат қилувчи, топшириқ берувчи томон, агент – ижро этувчи.

лекин фуқаролик жамиятининг қонун-қоидаларига бўйсундирадиган инсон эркинлигидир. Бундай эркинликнинг иқтисодий асоси мулк муносабатларидир³.

«Одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интирмайди»⁴.

Неоинституционал назарияда мулкка «**мулк ҳуқуқи** дастаси» нуқтаи назаридан қараш жамиятда унинг турли шакллари ва уларнинг тенг ҳуқуқлигини тан олишга олиб келди. Мулкчиликнинг турли-туманлиги жамиятда рақобат кураши бўлиши учун асос, зарур муҳит яратади. Буларсиз жамият тараққиётига эришиб бўлмайди.

Давлат мулкчилигининг афзаллиги ижтимоий неъматлар ишлаб чиқаришда намоён бўлиб, иқтисодиётни ҳаддан ташқари давлатлаштириш эса бошқариш ва назорат аппарати харажатларини кўпайтиради, зарур қарорлар қабул қилишни секинлаштиради, меҳнат самарадорлиги ва инновацион фаолиятни пасайтиради, «принципал – агент» муаммосини ўткирлаштиради. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибат иқтисодий ўсишнинг секинлашуви, аҳоли асосий қисмининг ҳаёт кечириш шароитининг ёмонлашувига олиб келади.

Республикамизда кўп укладчилик самарали хўжалик юритишнинг асоси эканлигини ҳисобга олган ҳолда давлат мулкни хусусийлаштириш амалга оширилиб, хўжалик юритишнинг турли шакллари барпо қилиш, рақобатчилик муҳитини яратиш асосида аҳолининг эҳтиёжини тўлароқ қондиришга жиддий эътибор берилди. Натижада республикамизда давлат, хусусий, жамоа, аралаш укладлардан иборат яхлит иқтисодиёт шаклланди. Агарда 1990 йилларда ишлаб чиқариш воситала-

³ Friedrich A. Hayek. Law, Legislation And Liberty. Ф.А. фон Хайек. Право, законодательство и свобода. / Перевод с английского. Б.Пинскера и А.Кустарева под ред.А.Куряева. — М.: ИРИСЭН, 2006. -С. 644.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. -197-б.

3-жадвал. Ўзбекистонда хўжалик юритиш шакллари бўйича экин майдонлари ва ялпи маҳсулот таркибининг ўзгариши (фоизда)¹.

Йил-лар	Хўжалик юритиш шакллари бўйича экин майдонлари таркиби				Хўжалик юритиш шакллари бўйича ялпи маҳсулот таркиби			
	Барча турдаги хўжалик-лар	Қишлоқ хўжалик корхоналари ²	Деҳқон хўжаликлари	Фермер хўжаликлари	Барча турдаги хўжалик-лар	Қишлоқ хўжалик корхоналари	Деҳқон хўжалик-лари	Фермер хўжалик-лари
1990	100	94,8	5,2	-	100			
2000	100	72,7	10,6	16,7	100	28,9	66,0	5,1
2005	100	29,2	12,1	58,7	100	14,0	61,7	24,3
2010	100	2,5	12,8	84,7	100	2,1	62,9	35,0
2015	100	2,3	12,9	84,8	100	2,0	65,4	32,6
2017	100	2,6	13,6	83,8	100	1,7	63,6	34,7

рининг 95 фоиздан ортиғи давлат мулки мувофиқ равишда яратилган маҳсулотнинг ҳам деярли шунча қисми давлат мулки ҳиссасига тўғри келган бўлса, ҳозирга келиб ҳолат тамомила ўзгарди.

Натижада яратилган ялпи ички маҳсулотнинг мулк шакллариغا кўра таркибида ҳам борган сари нодавлат мулкнинг ҳиссаси ортиб бориб, 1995 йил ЯИМнинг 58,4%и нодавлат, 41,6%и эса давлат секторига тўғри келган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич мувофиқ равишда 83,2% ва 16,8%ни, 2017 йилда 81,0 ва 19%ни ташкил этди. Унда фуқаролар улуши энг кўп 2000 йилда 40,8%, 2010 йилда 30,3%, 2015 йилда эса 32,5%ни, шу билан бирга кейинги йилларда акционерлик жамиятлари ва қўшма корхоналар ҳиссаси ортиб бориб, 28,4%ни ташкил этди.

Мамлакатимизда **мулк ҳуқуқи ва унинг тақсимланиши жиҳатидан аграр тармоқ бошқа соҳалардан катта фарқ қилади.** Қишлоқ хўжалигидаги асосий ресурс ер давлат мулки, шунинг учун эгалик қилиш ҳуқуқи унинг қўлида. Яратилган маҳсулот эса хўжалик юритувчиларга тегишли. Натижада мулк ҳуқуқи давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида оптимал равишда тақсимланишига диққат қаратилади.

Деҳқон хўжаликлариغا ер умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи билан берилган бўлса, фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик фао-

лиятини амалга оширувчи ташкилотлар ижара шартномаси асосида фаолият юритади.

Олий Мажлиснинг IV сессиясида қабул қилинган «Фуқаролик кодекси»нинг биринчи қисмида мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга катта эътибор берилган. Унда мулк ҳуқуқи тушунча берилиб, «Мулк ҳуқуқи шахсининг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир»,³ деб белгиланган. Мулк ҳуқуқи мутлақ бўлиб, муддатсиз амалга оширилади. Фуқаролик кодексида А.Оноренинг мулк ҳуқуқи дастасида кўрсатилган ҳуқуқларнинг асосий қисми ўз ифодасини топган.

Ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкалари, ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқлари «Ер кодекси» қишлоқ хўжалигида, шу билан бирга «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

2012 йил 24 сентябрда «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сон, 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркор-

¹ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Статистик тўплам. - Т., 2015 ва 2018 йиллар асосида муаллиф томонидан тузилган.

² 2015 йилдан Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар.

³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 164-модда

лик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари қабул қилинди.

Мулк ҳуқуқи ва унинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, республикамизда хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустақамлаш, қонуний йўл билан қўлга киритилган ёки яратилган мулкнинг дахлсизлигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимининг асоси яратилди ва у борган сари такомиллаштириб борилмоқда.

ХУЛОСАЛАР

Республикамизда иқтисодий назария ҳозирги кунда амалиётдан орқада қолмоқда. Буни айниқса, мулк ҳуқуқи, уни ҳимоя қилиш ва бошқа қатор масалаларда кўриш мумкин.

Мулк ҳуқуқи иқтисодий жиҳатдан ўрганилган ишлар эса саноқли, мувофиқ равишда қамрови ҳам талабга жавоб бермайди.

Шунинг учун талаба-ёшларга бу масалаларни чуқур ўрганишларига эътибор қаратиш, ҳар бир қабул қилинган қонун, фармон, қарор охири-оқибат мулкнинг тақсимланишини ўзгартириши ва бунда жамиятда мувозанатни қандай сақлаб қолиш масалаларини ечишда келгусида ўз фаолиятларида қўллашлари учун неоинституционал назарияни пухта ўрганишларига эътибор бериш зарур. Бунинг учун олий таълимда неоинституционал назария фани киритилиши, бу борада илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни кучайтириш лозим. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, эртанги кунга ишонч, танлаш ва қарор қабул қилиш амалдаги қонун, меъёрий ҳужжатлар ҳамда уларнинг жамият ҳаётига нақадар уйғунлашуви ва уларга риоя қилинишига боғлиқ.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 164-модда.
2. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. -197-б.
3. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. - Т.: «Ўзбекистон», 2011, -63-б.; Ўзбекистон рақамларда. Статистик тўплам. - Т., 2015 ва 2018. Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги. Статистик тўплам. - Т., 2015 ва 2018.
4. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: «Iqtisod-Moliya», 2005. -80-б.
5. Курс экономической теории. / Под общей редакцией д.э.н., проф. Чепурина М.Н., проф. Киселевой Е.А. - Киров: «Аса», 2010. -С. 75.
6. Коуз Р. Фирма, рынок и право. - М., 1993. -С. 14.
7. Нестеренко А.М. Экономика и институциональная теория. - М.: Едиториал УРСС, 2002. -С. 331-335.
8. Менгер К. Основы политической экономии. Австрийская школа в политической экономии. - М., 1992. -С. 70.
9. Мизес Л. Бюрократия. Запланированный хаос. Антикапиталистическая ментальность. - М., 1993,
10. Toumanoff P. G. Theory of market failure. «Kuklos», 1984, v.37, № 4.
11. Friedrich A. Hayek. Law, Legislation And Liberty. Ф. фон Хайек. Право, законодательство и свобода. / Пер. с английского. Б.Пинс-кера и А.Кустарева; под ред.А.Куряева. - М.: ИРИСЭН, 2006. -С. 644.
12. Alchian A., Demsetz H. Production, information Costs, and Economic Orgaization. American Economic Review, December 1972.
13. Demsetz H. Toward a theory of property rights – «American economic Review». 1967, v. 57, № 2.
14. Хейне П. Экономический образ мышления. / Пер. с англ. - М., 1991. -С. 325.